



**СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА  
САМАРАДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАМОЙИЛЛАРИ**

*Шербекова Арыухан Рашидовна,*

*Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти  
таянч докторанти*

**Аннотация.** Мақолада сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришда самарадорликни таъминлашнинг илмий ва амалий тамойиллари таҳлил қилинади. Қорамол зотдорлигини яхшилаш, технологик янгиланиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда бозор талабларига мос ишлаб чиқаришнинг аҳамияти асосланган. Шунингдек, дехқон шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга қаратилган тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** Сут ишлаб чиқариш, самарадорлик, илмий-амалий тамойиллар, қорамол зотдорлиги, технологик янгиланиш.

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғи қишлоқ хўжалигининг стратегик аҳамиятга эга бўлган ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин тутадиган соҳаларидан бири ҳисобланади. У нафақат аҳолини юқори қийматли ва табиий озиқ-овқат маҳсулотлари — сут, қаймоқ, йогурт, творог ва бошқа қайта ишланган маҳсулотлар билан таъминлайди, балки қишлоқ аҳолиси учун барқарор даромад манбаи ва меҳнат бандлигини юзага келтиради. Шу билан бирга, сутчилик тармоғи кўшимча қайта ишлаш, логистика, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам янги имкониятлар яратади, яъни иқтисодиётда мультиплекатив самара беради.

Хозирги глобаллашган ва рақобат кучайган бозор шароитида сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш нафақат мамлакат ички эҳтиёжларини қондириш, балки ташқи бозорларга чиқишида ҳам муҳим



аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли, ушбу тармоқдаги самарадорликни ошириш масаласига фақат анъанавий усуллар эмас, балки илмий-тадқиқот натижалари, инновацион технологиялар, ресурс тежамкор механизмлар ва бозор талабларига мослашувчи бошқарув моделлари асосида ёндашиш зарур. Бунда комплекс ёндашув — яъни ишлаб чиқаришдан тортиб, қайта ишлаш, логистика, маркетинг ва истеъмолчига етказишгача бўлган бутун занжирни қамраб оладиган стратегик ёндашув асос қилиб олиниши даркор. Самарадорликни таъминлаш учун бундай тизимли ёндашув, шубҳасиз, мамлакат аграр секторида барқарор ривожланишни кафолатлайди.

Сут ишлаб чиқаришда самарадорлик тушунчаси қишлоқ хўжалигида ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали юқори маҳсулдорлик ва иқтисодий натижаларга эришишни англатади. Бу тушунча, аввало, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, унинг сифат кўрсаткичлари, сарфланган ресурслар — озуқа, энергия, меҳнат ва моддий воситалар — ҳамда олинган иқтисодий фойда билан ўлчанади. Самарадорликни аниқлашда қатор муҳим кўрсаткичлар қўлланилади, жумладан, бир бош қорамолга тўғри келадиган йиллик сут ҳосилдорлиги (литрда), бир тонна сут ишлаб чиқариш учун сарфланадиган озуқа ва энергия миқдори, умумий ишлаб чиқариш харажатлари ва таннарх, шунингдек, сотувдан олинадиган соф даромад ва рентабеллик даражаси. Ушбу кўрсаткичлар орқали ишлаб чиқаришнинг молиявий самараси, ресурслардан қай даражада унумли фойдаланилаётгани ва бозордаги рақобатбардошлик имкониятлари баҳоланади [1].

Сут ишлаб чиқаришда самарадорликни таъминлаш учун замонавий талабларга жавоб берадиган илмий-амалий тамойилларга таяниш зарур. Бугунги кунда бу соҳада фақат анъанавий услублар билан юқори натижаларга эришиш қийин бўлиб, комплекс ва инновацион ёндашув талаб этилади. Илмий асосланган ёндашувлар ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштириш, ресурслардан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек, маҳсулот сифатини яхшилашда муҳим ўрин тутади (1 - жадвал).



**Сут ишлаб чиқаришда самарадорликни таъминлашнинг илмий-амалий тамойиллари**

<b>Тамойил номи</b>	<b>Мазмуни ва аҳамияти</b>
Инновацион ёндашув тамойили	Илмий тадқиқотлар, тажриба хўжаликлари ва илфор технологияларни ишлаб чиқариш амалиётига жорий этиш.
Иқтисодий рационаллик тамойили	Ҳар бир сарфланган ресурснинг иқтисодий самарасини баҳолаш, кам харажат билан юқори натижага эришиш.
Экологик барқарорлик тамойили	Ишлаб чиқариш жараёнларини атроф-муҳитга зарар етказмасдан ташкил этиш, ресурсларни тежамли фойдаланиш.
Кадрлар салоҳияти тамойили	Таълим ва малака ошириш орқали билимли, илмий асосда иш юритувчи мутахассислар иштирокини таъминлаш.
Бозорга йўналтирилганлик тамойили	Истеъмолчилар эҳтиёжларини ўрганган ҳолда маҳсулот турлари ва сифатини бозор талабига мос равишда ишлаб чиқариш.

Қорақалпоғистон Республикасида сут ишлаб чиқариш асосан деҳқон шахсий ёрдамчи хўжаликлар томонидан амалга оширилади. 2024 йилда жами 469,7 минг тонна сут ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг 92% дан ортиғи деҳқон хўжаликлар ҳиссасига тўғри келади. Шу боис, кичик хўжаликларни замонавий технологиялар билан таъминлаш, уларни кооперативларга бирлаштириш ва инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун деҳқон шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун қулай институционал, иқтисодий ва ташкилий шароитларни яратиш долзарб вазифалардан биридир.



Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғи қишлоқ хўжалигига стратегик аҳамиятга эга бўлиб, унинг самарали фаолият юритиши мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлигини ошириш ва қишлоқ жойларда иқтисодий фаолликни кучайтиришга бевосита таъсир кўрсатади. Бугунги кунда ушбу соҳада самарадорликни таъминлаш учун фақат анъанавий иш услублари етарли эмас, балки илмий-амалий ёндашувлар, инновацион технологиялар ва замонавий бошқарув механизмлари жорий этилиши талаб этилади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, сут ишлаб чиқариш ҳажмида асосий улуш дехқон шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳиссасига тўғри келади. Шу муносабат билан, ушбу хўжаликларни техника-технология жиҳатидан қўллаб-қувватлаш, уларни кооперациялаш ва инфратузилма билан таъминлаш устувор вазифалардан саналади [2].

Сут маҳсулотлари тармоғида самарадорликка эришишнинг асосий омиллари сифатида юқори маҳсулдор зотларни жорий этиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва бозор талабларига мос ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин. Шунингдек, таълим ва малака тизимини кучайтириш, инновацияларни жорий этиш ва фермер хўжаликларига иқтисодий рағбатлар яратиш ҳам муҳим ҳисобланади. Барқарор ривожланишини таъминлаш учун экология, иқтисодиёт ва ижтимоий талаблар ўртасида мувозанат сақлаш лозим. Хусусан, дехқон шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун қулай институционал, иқтисодий ва ташкилий шароитларни яратиш бу соҳани янги босқичга олиб чиқади. Шундай қилиб, сутчилик тармоғини илмий асосда ва комплекс ёндашувлар орқали ривожлантириш келгусида унинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва бозордаги рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қиласди.





**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Nurimbetov, T. (2021). Food security as a factor of sustainable development of the country. Karakalpak Scientific Journal, 4(1), 58-66.
2. Timur, N. (2023). BASES OF ECONOMIC EFFICIENCY OF AGRICULTURAL PRODUCTION. Бюллетень науки и практики, 9(5), 412-415.